



УЎТ: 633.631.2

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ҒЎЗАНИНГ АҚШ ВА МЕКСИКА F₃ ДУРАГАЙЛАРИНИНГ КЎСАК ОЧИЛИШ ТАҲЛИЛИ

Айтжанов Узакбай Ещанович, к.х.ф.д., к.и.х
Сейтбаев Раўаж Сарсенбаевич, к.х.ф.д., к.и.х
Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти,

Айтжанов Бахытжан Узакбаевич, к.х.ф.д., к.и.х
Дон ва шоли илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси,

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.17537013>

Аннотация. Ушбу мақолада ғўзанинг Ақи ва Мексика F₃ дурагайларининг кўсак очилиш таҳлили келтирилган. Бунда АҚШ намуналари Султон нави билан чашиштиришдан олинган F₃ (010222 x Султон) дурагайларда тезпишарлик 117-кунни ташкил этган. Тезпишарлик бўйича АҚШ намуналари оналик сифатида олинган Чимбой 5018 нави оталик сифатида олинганда, Мексика намуналари оналик шаклда олинган КК-3535 нави оталик сифатида олинган дурагайларда 2 кунга тезпишар бўлганлиги аниқланган.

Калим сўзлар: Дурагайлаш, кўсак очилиш, кузатув, дурагай комбинация, тезпишарлик, ота-она шакллар, фарқланиш, ирсийланиш, якка танлов, намуна.

Аннотация. В данной статье представлены анализ раскрытия коробочек у гибридов от скрещивания коллекционных сортов полученных от F₃ США и Мексики. При этом у гибридов F₃ (010222 x Султон), полученных от скрещивания образцов США с сортом Султон, скороспелость составила 117 дней. По скороспелости у гибридов, у которых в качестве материнской формы были взяты образцы США и в качестве отцовской формы сорт Чимбай 5018, у которых в качестве отцовской формы были взяты образцы Мексики и в качестве материнской формы сорт КК-3535 был скороспелыми на 2 дня.

Ключевые слова: Гибридизация, раскрытие коробочек, наблюдение, гибридная комбинация, скороспелость, родительские формы, дифференциация, наследование, индивидуальный отбор, образец.

Annotation: This article presents an analysis of boll opening in hybrids obtained from crossing F₃ collection varieties from the USA and Mexico. In this case, the F₃ (010222 x Sulton) hybrids obtained from crossing US samples with the Sulton variety showed early maturity of 117 days. In terms of early maturity, the hybrids from which the US samples were taken as the maternal form and the Chimbay 5018 variety as the paternal form, from which the Mexican samples were taken as the paternal form, and the КК-3535 variety as the maternal form were early-maturing by 2 days.

Keywords: Hybridization, boll opening, observation, hybrid combination, early maturity, parental forms, differentiation, inheritance, individual selection, sample.

Кириш. Қорақалпоғистон шароитида ғўза селекциясида қўлланиладиган ҳар хил чашиштириш услубларини қўллаш натижасида илмий асосланган тупроқ иқлим шароитига мослашган, янги тезпишарлиги



110-115 кунлик, серхосил 40-45 ц/га тола чиқими ва сифати юқори бўлган ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш учун яратилган янги навларни яратишдан иборат. Ғўза коллекциясидан фойдаланилган, оддий ва мураккаб частиштиришдан олинган янги селекцион тизмаларни Қорақалпоғистон тупроқ иқлим шароитида ўрганиш зарурдир, яъни дала шароитида териб олинган энг яхши якка танловларни асосий қимматли хўжалик белгиларини ўзгарувчанлигини аниқлаган ҳолда вертициллиум касаллигига бардошли ғўзанинг мажмуавий чидамли шакллари танлаб олиш мумкин бўлади.

Тезпишарлик мураккаб полиген белги бўлиб, уни белгиловчи даврларнинг узунлиги турли даражада ўзгарувчандир. Тезпишарлик бир қанча ирсий белгилар масалан, биринчи ҳосил шохининг жойлашиши, кўсак сони ва бир кўсакдаги пахта вазни, уруғлар сони ва унинг вазни, тола узунлиги ва ундаги целлюлоза тўпланиш авжига боғлиқ равишда намоён бўлади [3].

И.А.Алиевнинг [1] фикрича, эртапишарлик биринчи ҳосил шохининг жойлашиш баландлиги, гуллашнинг бошланиши ва кўсакларнинг очилиш суръати билан боғлиқ.

О.Э.Кучкоров ва С.С.Алиходжаева [2] ларнинг айтишларича тезпишар навларни яратиш ғўзанинг энг муҳим хусусиятларидан бири, бундай навларни яратиш йўллари топиш масаласига ғўза селекцияси ишлари бошланганданоқ катта этибор берилип келинмоқда. Тезпишар навларни яратишда биринчи навбатда дурагайлаш, ва тезпишарлик ашёларнинг генотиби билан боғлиқлигини таъкидлайди.

Материаллар ва усуллар. Бизнинг изланишларимиз эса Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институтининг «Ғўза селекцияси ва уруғчилиги» лабораториясида олиб борилди.

Институт Чимбой шаҳридан 4 км шимолий-шарқда, 43⁰-44⁰ шимолий кенгликда Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой тумани ҳудудида жойлашган. Об-ҳаво шароити кундуз кунлари иссиқ ва кечалари салқин бўлади. Ёзда асосан булутсиз кунлар бўлиб куёш нурининг тик тушиши натижасида ҳарорат юқори ва ёғингарчилик кам бўлади. Кўп йиллик маълумотларга қараганда, ушбу ҳудудда йиллик ёғин миқдори ўртача 99,0 мм ни ташкил этади. Охирги баҳорги совуқ апрел ойида, дастлабки кузги совуқ эса сентябр ойининг охирги кунларида кузатилади. Барча дала кузутувлари “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” бўйича олиб борилди.



Натижалар ва муҳокамалар. Қорақалпоғистон шароитида янги тезпишар мўл ҳосил берадиган тола чиқими ва сифати яхши ғўза навларини яратиш ва жорий этиш долзарб муаммолардан бўлиб келмоқда. Янги навлар тезпишар шўр ерларда юқори ҳосил берадиган тезпишар кам сув талаб қиладиган тола сифати яхши бўлиши билан ўзининг ижобий хусусиятларини сақлаб қолиши керак. Ҳозирги вақтда навларнинг тезпишар ҳосилдор тола сифати яхши бўлиши билан, ғўзанинг қатор орасини ишлов беришда ва ғўзани териб олишда механизация ишларига тўлиқ жабов бериши давр талаби бўлиб ҳисобланади.

Ўзанинг тезпишарлиги чигитнинг ўниб чиқишидан кўсакнинг очилишигача кунлар йиғиндисидан иборат.

Тажриба даласида АҚШ намуналари С-4727 нави билан чаптиришдан олинган F₃ дурагайларда 50 % ғўзанинг очилиши бўйича ўзгарувчанлик аниқланмади. С-4727 нави оналик сифатида олинган дурагайларда тезпишарлик ғўзанинг ўниб чиқишидан 50 % очилишигача 118-кунни ташкил этди. С-4727 оталик сифатида олинган дурагайларда ўзгарувчанлик кўзатилмади ва 117 кунга тенг бўлди.

Мексика намуналарида С-4727 нави оналик сифатида олинганда 117 кунни ташкил этди. Тезпишарлик бўйича F₃ дурагайларда Мексика намуналари оналик сифатида олинган F₃ (011156 х Чимбой-5018) дурагайларда тезпишарлик 114-кунга тенг бўлди. АҚШ намуналари оналик сифатида олинган F₃ (010242 х КК-3535) дурагайларда тезпишарлик 114-кунни ташкил этди. Жадвалда дурагайларнинг 50 % кўсак очилиши бўйича дурагайлардаги ўзгарувчанлик 114 кундан 118 кун оралиғида бўлди.

Ўзанинг F₃ АҚШ ва Мексика дурагайларининг 50 % кўсак очилиши (кун)

№	Дурагай комбинациялар	50 % кўсак очилиши					
		16.08	18.08	20.08	Ўсимлик сони	Сана	Сарфланган кун
1	F ₃ (С-4727 х 010203)	11	19	27	38	18.08	118
2	F ₃ (011163 х С-4727)	7	14	19	39	21.08	118
3	F ₃ (С-4727 х 010162)	11	16	20	38	19.08	116
4	F ₃ (011155 х С-4727)	9	11	17	40	21.08	117
5	F ₃ (Чимбой-5018 х 011170)	11	13	18	40	21.08	117
6	F ₃ (011156 х Чимбой-5018)	14	16	21	37	19.08	114
7	F ₃ (Чимбой-5018 х 011195)	10	18	26	36	18.08	113



8	F ₃ (010202 x Чимбой-5018)	17	19	31	38	18.08	115
9	F ₃ (КК-3506 x 010513)	16	20	27	40	18.08	116
10	F ₃ (010514 x КК-3506)	12	20	+	39	17.08	116
11	F ₃ (КК-3506 x 010196)	12	20	24	40	18.08	114
12	F ₃ (011151 x КК-3506)	15	23	+	39	17.08	114
13	F ₃ (КК-3535 x 010196)	16	20	+	38	17.08	114
14	F ₃ (011151 x КК-3535)	13	15	24	35	19.08	115
15	F ₃ (КК-3535 x 010206)	12	17	20	40	20.08	115
16	F ₃ (010242 x КК-3535)	5	13	24	39	19.08	114
17	F ₃ (Султон x 011145)	15	21	27	37	17.08	113
18	F ₃ (011142 x Султон)	15	19	24	40	19.08	117
19	F ₃ (Султон x 010214)	13	21	27	37	17.08	115
20	F ₃ (010222 x Султон)	7	12	19	38	20.08	117

Хулоса. Тажрибаларимизда АҚШ намуналари Султон нави билан чатиштиришдан олинган F₃ (010222 x Султон) дурагайларда тезпишарлик 117-кунни ташкил этди. Тажрибамизда тезпишарлик бўйича АҚШ намуналари оналик сифатида олинган Чимбой 5018 нави оталик сифатида олинганда, Мексика намуналари оналик шаклда олинган КК-3535 нави оталик сифатида олинган дурагайларда 2 кунга тезпишар бўлганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алиев А.И. Скороспелость сортов и гибридов хлопчатника в зависимости от подбора пар и условия выращивания. //В кн, Материалы IX конференции молодых ученых Узбекистана по сельскому хозяйству: Генетика, биохимия, селекция семеноводства сельско-хозяйственных культур. -Ташкент, 1977. -С,17-24.
2. Қўчқаров О.Э., Алихўжаева С.С., Усманов С.А., Абрарова Ф.А., Мадратов Б.К. Тизмаларда қимматли хўжалик белгиларини намаён бўлишида ўстириш шароитларининг (шўрланган тупроқ ва сув танқислиги) таъсири. //Ўза, беда селекцияси ва уруғчилиги. Илмий ишлар туплами. «Фан» –Тошкент 2009. –Б.287.
3. Намозов Ш.Э., Эгамбердиев А.Э. Узоқ чатиштиришдан олинган дурагайларда айрим хўжалик учун қимматли белгиларнинг шаклланиши: //Ўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалари тўплами. - Тошкент, -2000. –Б.25.